

Т.Алмаматов, Қ.Ядгаров, Ш.Алмаматова

**Ўзбек тили ўқитиш назарияси ва
методикаси жадвалларда ҳамда сайтларда.
(назарий машғулотлар)
Ўқув қўлнамаси**

Маъсул муҳаррир: Б.Тўхлиев

Такризчилар: У.Жуманазаров

Ф.Шарипов

Методика фанининг мазмуни она тили таълимининг изчил тизимини ишлаб чиқишдан ташқари, бу соҳанинг замонавий педагогик технологияларини, она тили ўқитишнинг интерфаол усуллари, замонавий дарс ишланмаларини яратишни ҳам ўз ичига олади.

Ўқув материалларини ўқувчилар онгига қулай, осон, кам куч сарфлаш йўли билан сингдириш орқали юқори натижаларга эришиш давр талабидир. Бу талабаларга жавоб берадиган бўлажак она тили ва адабиёт ўқитувчиларини назарий ҳамда амалий билимлар билан қуроллантиришда “Она тили ўқитиш назарияси ва методикаси” курсининг аҳамияти катта.

Ушбу қўлланмада ўзбек тили ўқитиш методикасининг назарий курси – маъруза материаллари кўرғазмали тарзда акс эттирилган. Ўзбек тили ўқитиш методикасидан ўқиладиган ҳар бир маъруза мавзуси ва унинг қисмлари алоҳида-алоҳида кўрғазмали восита сифатида тақдим қилинган.

Баъзи мавзуларга икки ва ундан ортиқ жадвал тавсия қилинган.

Ўқув қўлланмаси шу фандан дарс ўтувчи ўқитувчиларга, ўзбек тили ва адабиёти факультетининг талабаларига ҳамда она тили ўқитиш методикаси билан қизиқувчиларга мўлжалланган.

КИРИШ

Жамият тараққиёти, ижтимоий ҳаётимиздаги кескин ижобий бурилишлар бевосита мустақилликнинг шарофатидир. Халқ хўжалигининг барча соҳаларида, хусусан, таълим, фан соҳасида ҳам улкан ислоҳатлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Ҳукуматимиз томонидан фан, таълимни ривожлантириш соҳасидаги қатор Фармон ва Қарорларнинг қабул қилиниши, айниқса, таълим соҳасига ижтимоий талаб тақозоси нуқтаи назаридан ёндошиб, чуқурроқ тадқиқ қилишни талаб қилмоқда. Чунки, “таълимга эътибор – элга эътибордир”.

Кейинги тадқиқотларда юзага келаётган тилга антропоцентрик ёндошув тамойилининг пайдо бўлиши натижасида тил моҳияти ва унга алоқадор воситаларнинг илмий талқинида инсон омили бош мезон бўлмоғи лозимлиги эътироф этилмоқда. Бу ўз навбатида тил ҳодисалари марказида инсон омили туриши, инсон фаолияти билан боғлиқ ҳал қилувчи вазифаларнинг бажарилишини тақозо қилмоқда. Масалага шу нуқтаи назардан қараладиган бўлса, она тилининг қонун-қоидаларини ўрганиш ва ўргатишнинг аҳамияти кўзга яққолроқ ташланади. Таъкидланганидек, тилга онгли ёндошув унинг ривожлантирувчилик (ўқувчи ақлий фаолиятини ривожлантириувчи) тамойилини аниқ кўрсатиб, асослаб берди. Айни пайтда уни ўқиш-ўқитиш ишларининг янги – янги муаммоларини келтириб чиқараётир, хусусан, она тили ва уни ўқитиш бўйича ҳам қатор талаблар юзага чиқмоқда.

“Ўзбек тили ўқитиш назарияси ва методикаси” мустақил фан сифатида педагогика фанлари сирасига кириб, уни она тили ўқитишнинг назарияси дейиш мумкин. У ўқувчиларда тил имкониятларидан мустақил равишда ўринли ва тўғри фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, коммуникатив саводхонликни ошириш ҳамда ҳозирги ўзбек адабий тили материалларини ўқувчилар онги-шуурига қулай, осон, кам куч сарфлаш йўли билан сингдириш орқали юқори натижаларга эришишни амалга ошириш зарур.

Педагогик фаолиятга йўналтирилган фанлар, хусусан, “Ўзбек тили ўқитиш назарияси ва методикаси” олий таълим тизимида етакчи мустахассислик фанларидан саналади. Ўрта мактаб дастуридаги фанлар орасида эса она тили салмоқли ўринни эгаллайди. Бу ўз навбатида бўлажак она тили ўқитувчисини талаб даражасида тайёрлашни тақозо қилади.

“Ўзбек тили ўқитиш назарияси ва методикаси” фани ҳозирги кунга келиб бой тажриба тўплади, мустақил фан сифатида шаклланди, ривожланди, ҳозирги кунда ҳам ривожланиш давом этмоқда. Методика фанининг мазмуни она тили таълимининг изчил тизимини ишлаб чиқишдан ташқари, бу соҳанинг замонавий педагогик технологияларини, она тилини ўқитишнинг интерфаол усуллари, замонавий дарс ишланмаларини яратишни ҳам ўз ичига олади.

Олий ўқув юртини тугатаётган ёш мутахассис институт ёки университетда олган билимларини мустақил равишда, нотаниш шароитда ўзгаларга (ўқувчиларга) ўргатиши, ўз иш фаолиятига татбиқ қилиши керак. Бу жараённи онгли ҳис қилиш учун талаба ўз устида ишлаши, ўқиши, ўрганиши зарур. Аксарият ҳилатларда назарий мутахассислик фанларига эътиборини кўпроқ қаратади-ю, шу фанни ўқитиш методикасига юзакироқ қараш ҳоллари учраб туради. Улардаги бундай қусур педагогик амалиёт давридаёқ кўзга ташланиб қолади. Натижада, бу қийинчиликларни (камчиликларни) баратараф қилиш учун жуда кўп вақт ва куч сарфлашга тўғри келади. “Ёшларни ўқитувчилик касбига йўллаганда унда боғ сайрига бораяпман деган тушунча ҳосил бўлмаслиги керак. Бу касбнинг қийинчиликларидан ҳам хабардор қилиш лозим” – деганида атоқли педагог Р.Усмонов бир неча марта ҳақдир. “Ўзбек тили ўқитиш назарияси ва методикаси”дан ўтказиладиган маъруза машғулотлари аксарият ҳолатларда ўқитувчи баёни, яъни билимларни тайёр ҳолда беришдан иборат бўлади. Бу методнинг ижобий томонлари билан бирга айрим камчиликлари ҳам мавжуд, қайсики, ўтилаётган мавзунинг характери

(катталиги, содда ёки мураккаблиги) нуктаи назаридан айрим талабалар учун дарс зерикарли, камбағал туюлиши мумкин. Албатта, бу жараёни (камчиликни) бартараф қилишнинг турли йўллари мавжуд, яъни маърузачи (ўқитувчи)нинг нутқ маданияти – нутқнинг содда, мазмунли, ифодали, изчил бўлмоғи; ишонтириш ва асослашнинг устиворлиги; катъий режа асосида дарсни (маърузани) олиб бориши кабиларга эътиборни қаратмоғи зарур. Бу усуллар ва методлар кўзланган мақсадга эришиш йўлида ҳамма вақт ҳам қўл келвермайди. Шунинг учун дарс жараёнида (хоҳ маъруза дарслари, хоҳ амалий, лаборатория машғулотлар) анъанавий методларда ўтказиладиган дарсларни ноанъанавий дарс усуллари, воситалари, янги педагогик технологияларни татбиқ қилиш ёрдамида ўтиш шу куннинг долзарб мавзусига, талабига айланмоқда. Ана шу талаблар асосида Б.Тўхлиев, М.Шамсиева, Т.Зиёдоваларнинг “Ўзбек тили ўқитиш методикаси” (2010) ўқув қўлланмасида талабалар ва мактаб ўқитувчи-ўқувчилари учун кўرғазмали қурооллар илова қилинган. Шунингдек, Б.Тўхлиев, Ш.Юсупова, Т.Зиёдова, О.Охунжонова, Д.Жумашевларнинг “Ўзбек тили ўқитиш методикаси” (Амалий ва лаборатория машғулотлари) ўқув қўлланмасида (2012) талабаларга ўтиладиган амалий ва лаборатория машғулотларига мўлжалланган кўрғазмали қурооллар ва тарқатма материаллардан намуналар илова қилинган. Бу ўқув қўлланмаларида берилган материаллар, шубҳасиз, “Ўзбек тили ўқитиш назарияси ва методикаси” предмети юзасидан олиб бориладиган машғулотлар сифатини яхшилашга хизмат қилади. Улар “Ўзбек тили ўқитиш назарияси ва методикаси”дан ўтиладиган амалий машғулотлар мўлжалланган. Методикадан бериладиган назарий билимларга мўлжалланмаган. Ана шуларни назарда тутиб муаллифлар “Ўзбек тили ўқитиш назарияси ва методикаси” курсининг назарий қисми учун ушбу кўрғазмали қурооллар ва сайтларни яратишни мақсад қилишди.

Яратилаётган бу кўрғазмали воситалар кундалик ўтиладиган дарс жараёнида фойдаланиш учун мўлжалланиб, ноанъанавий дарс тарзида

ўтиладиган маъруза машғулотида қўллаш мумкин бўлган усуллардан бири сифатида тақдим қилинади.

Кўргазмалиликнинг аҳамияти ҳақида: “Сиз болага қандайдир бешта номаълум сўзни ўргатинг, у бу сўзларни билиб олгунча узоқ вақт кетади ва бўҳуда бош қотиради. Лекин суратлар воситасида ўргатилган йигирмата сўзни ўқувчи хаш-паш дегунча ўрганиб олади”, - деб ёзган эди К.Д.Ушинский.

Кўргазмали воситалар, биринчидан, маъруза ўтувчи (ўтадиган) ўқитувчи учун мўлжалланса, иккинчидан, маъруза тингловчи талабага мўлжалланади, қайсики, ана шу кўргазмали воситалар ёрдамида аудиторияда эшитганларини хотирасида қайта тиклаш (репродукция) имкониятига эга бўладилар.

Кўргазмали воситалар “Ўзбек тили ўқитиш назарияси ва методикаси” курсида ўтиладиган (ўқиладиган) маърузалар тартиби асосида ҳар бир мавзу учун алоҳида-алоҳида жойлаштирилди. Бу кўргазмали воситалардан махсус плакатларда тайёрлаган ҳолда ҳамда компьютер сайтларига киритган ҳолда ҳам фойдаланиш мумкин.

Талабаларда системалилик кўникмаларини шакллантириш мақсадида ўтиладиган мавзу (маъруза)ларнинг мақсад ва вазифалари ҳам кўргазмали қурол сифатида берилди.

Мазкур методик қўлланма педагогика институтлари ўзбек тили ва адабиёти факультети методист-ўқитувчилари, талабалари, ёш ўқитувчилар ва шу соҳа билан қизиқувчиларга мўлжалланган. Кўргазмали воситаларнинг мазмун ва сифати ҳақидаги танқидий фикр-мулоҳазаларни муаллифлар мамнуният билан қабул қиладилар.

“Ўзбек тили ўқитиш назарияси ва методикаси” фанининг баҳси мақсад ва вазифалари

1. Ўзбек тили ўқитиш методикасининг асосий мақсади

Ўқувчиларда тил имкониятларидан мустақил ҳолатда тўғри ҳамда ўринли фойдаланиш кўникма ва малакаларини шакллантириш, коммуникатив саводхонлигини ошириш, миллий истиқлол ғояси ҳамда шарқона тарбия бериш. Шу билан бирга она тили машғулоти болаларда ижодийлик, мустақил фикрлаш, ижодий фикр маҳсулини нутқ шароитига мос равишда оғзаки, ёзма шаклларда тўғри, равион ифодалаш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилмоғи лозим.

2. Коммуникатив саводхонлик –

Ўқувчини тўғри раван гапиришга ўргатиш, яъни ўқувчи нутқини шакллантириш ва ривожлантириш. Бунинг учун ўқувчининг мустақил фикрини узлуксиз равишда гапиришга одатлантириш.

3. Ўзбек тили ўқитиш методикасининг асосий вазифалари.

Ўзбек тили мутахассислиги бўйича талабаларни адабий тил меъёрларидан тўғри фойдаланадиган, адабий нутқ меъёрларини эгаллаган етук она тили ўқитувчиси қилиб етказиш.

4. Мактаб она тили ўқитувчисига қўйиладиган талаблар

Нимани ўргатиш? Қанча ўргатиш? Нима учун ва қандай усуллар билан ўргатиш? Каби сўроқларга жавоб бериши керак.

Дастурда белгиланган билимларни ўқувчиларнинг эгаллашлари учун шарт-шароит яратиш.

Ўқитувчи ва ўқувчининг кучини, вақтини тежаш.

Она тили предметининг ҳажми, мундарижаси, мақсади, ўзига хос **хусусиятлари**, материалнинг синфлар бўйича таксимотини аниқлаш.

5. “Ўзбек тили”нинг мактабда ўқув предмети сифатида шаклланиш ва ривожланиш давлари.

| Даврлар | Йиллар | Методика соҳасида қилинган ишлар |
|----------|---------------------------------|--|
| I давр | 1910-1930 1913. 1916. | Савод чиқарилгандан кейин қофия (гр-ка), Сарф (морфология), наҳв (синтактик) ўргатилган. М.Фахриддинов – “Туркча қоида” А.Зоҳирий – “имло” Жадид мактаблари ишлари. |
| II давр | 1930-1960 | “она тили”ни фан сифатида ўрганиш йўлга қўйилди. Тил таълимидан махсус ўқув дастурлари ва дарсликлари чиқарила бошланди. |
| III давр | 1960-1970 | “Она тили”дан таълим мазмуни анча такомиллашди. Дастур ва дарсликлар чиқарилиб, айниқса юқори синфларда она тилининг ўқитилишига эътибор кучайди. |
| IV давр | 1970-1990 | Ўзбек тилшунослигида эришган ютуқларини мактаб дарслиklarига киритишга уриниш анча кучайди. Она тилидан 5-синфда синтактик маълумот берилди бошланди ҳамда сўз ясалиши алоҳида бўлим сифатида ўтилади бошланди. |
| V давр | 1991 йилдан кейин | таълим олдида янги вазифалар қўйилган Ўзбекистон мактабда она тили таълими Концепцияси (1993) ишлаб чиқилди. ДТС меъёрлари белгиланди. |

6. Она тили ўқитиш методикасининг қисқача тарихи.

| Давр | Методика бўйича қилинган ишлар муаллифлари | Яратилган асослар ва фикрлар | Сана |
|----------------------------------|--|---|--|
| Қадимги давр: IX – XII асрлар | Ал-Хоразмий Абу Наср Форобий Исмоил ал-Жавҳарий Ибн Сино Абу Райхон Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб Маҳмуд Кошғарий, Маҳмуд Замахшарий Мирза Мехдихон | “Сизги орқали билиш қисман билиш бўлса, мантиқий билиш ҳақиқатдир” “Фозил одамлар шаҳри” “Саҳия луғат” “Асбоби худуд ал-хуруф” “Сайдана” “Қудатғу билиг” “Девону луғатит турк” “Ал-муфассал” (“Флексия санъати ҳақид муфассал китоб”) “Муқаддимат ул-адаб” (“Адабиётга кириш”) “Санглоҳ” | IX аср. X аср 1024 1050-1051 1069-1070 1076-1077 1121 1137 1172-1173 |

7.

| | | | |
|------------------------|---------------|-----------------------------|-----------|
| XIV- XVII асрлар | Алишер Навоий | “Муҳокамат ул- луғатайн” | 1499 |
| | Бобур | “Бобурнома” | 1525-1530 |
| | Абдулғози | “Шажарай тарокима” | 1658-1661 |
| | Баҳодирхон | “Шажарай турк ” | 1663-1664 |

8.

| | | | |
|-------------------------|---------------------------------------|--|------|
| XVIII- XIX асрлар | Мунис Огаҳий Анбар Отин | “Саводи таълим” “Қасидаи насиҳат” “Қоралар фолсафаси” | 1864 |
|-------------------------|---------------------------------------|--|------|

9. Замонавий методиканинг шаклланиши ва ривожланиши

9. Замонавий методиканинг шаклланиши ва ривожланиши

| | |
|--|---|
| <p>Я.А.Коменеский мумтоз педагогиканинг асосчиси</p> | <p>Дарс-синф тизимини асослади. Болаларни ёшига қараб табақалаштирди: I гуруҳ – 6 ёшгача – бола II гуруҳ – 6-12 ёшда-ўсмирлик III гуруҳ – 12-18 ёшда –бўз бола IV гуруҳ 18-24 ёшжа олий мактаб даври.</p> |
| <p>Бизнинг аждодларимиз инсон фаолиятини 5 гуруҳга ажратган.</p> | <p>I. 10-20-ёшгача-бўз бола II. 20-30-ёшгача - азмат III. 30-40-ёшгача –эр йигит IV. 40-50-ёшгача –қуш оғаси. (қуш-бир оиладан тарқаган ака-укалар) V. 50-60-ёшгача –ўтоғаси.</p> |

10. Замонавий (методлар)нинг шаклланиши ва ривожланиши.

Умумий методлар:

| Давр | Методика бўйича қилинган ишларнинг муаллифлари | Яратилган асарлар ва методлар таснифи | Сана |
|----------------------|--|---|------|
| XX- XXI асрлар | С.И.Перовский, Е.А.Галант М.А.Данилов, Б.П.Эсипов | Билим олиш манбаига қараб: А) оғзаки; Б) кўрсатмали; В) амалий. Дарсларда бажариладиган ўқув вазифаларига қараб: А) билимларни эгаллаш; Б) кўникма ва малакаларни шакллантириш; В) эгалланган билимларни мустаҳкамлаш; Г) малака ва кўникмаларни текшириш ва баҳолаш. | |

11.

| | | | |
|--|--|--|--|
| | <p>Ю.К.Бабанский</p> <p>М.Н.Скаткин, И.Я.Ларнер.</p> | <p>Методларни ўқувчилар фаолиятдан келиб чиқиб, 3 катта гуруҳга ажратади:</p> <p>А) ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолиятларини ташкил қилиш;</p> <p>Б) ўқувчининг ўқув-билув фаолиятларини рағбатлантириш;</p> <p>В) ўқувчининг ўқув-билув фаолиятини назорат қилиш.</p> <p>Билиш фаолиятининг хусусиятларидан келиб чиқиб:</p> <p>А) тушунтириш-намойиш қилиш;</p> <p>Б) қайта хотирлаш;</p> <p>В) муаммоли баён;</p> <p>Г) қисман изланувчанлик;</p> <p>Д) тадқиқот (изланувчанлик).</p> | |
|--|--|--|--|

12. Хусусий методлар:

| | | | |
|-----------------|-------------|--|------|
| XX – XXI аср | Ҳ.Рустамов. | Билимларни олиш манбаидан келиб чиқиб: А) ўқитувчининг баёни; Б) суҳбат; В) тил ходисаларини кузатиш ва таҳлил қилиш; Г) грамматик таҳлил; Д) машқ; Е) дарслик устида ишлаш; Ж) кўргазмали қуроллардан фойдаланиш; З) саёҳат. | 1960 |
| | А.Ғуломов | Ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти билан боғлаб: 1) ўқитувчи фаолияти билан боғлиқ методлар: А) билимларни тайёр ҳолида баён қилиш; Б) билимларни муаммоли йўл билан баён қилиш. 2) Ўқувчи фаолияти билан боғлиқ методлар: А) қайта хотирлаш (репродуктив); Б) қисман изланувчанликка асосланган; В) изланувчанликка асосланган. | 2012 |
| | Б.Тўхлиев | А) тайёр билимлар билан қуроллантириш; Б) йўналтирилган таълим методи; В) муаммоли таълим методи; Г) онгли вербал-когнитив таълим. | 2010 |

13.

| | | | |
|----------------------|--------------------------------|---------------------------------|-------|
| XX- XXI асрлар | Саидрасул Сайдазизов | “Устоди аввал” | 1902 |
| | Мунавварқори Абдурашидхонов | “Адиби аввал” | 1907 |
| | | “Адиби ус-сони” | 1907 |
| | Маҳмумхўжа Бехбудий | “Китоб ул-атфол” | 1908. |
| | Абдулла Авлоний | “Туркий гулустон ёхуд ахлоқ” | 1913 |
| | Абдурауф Фитрат | “Она тили” дарслиги (ҳамкор) | 1918 |
| | | “Сарф” | 1925 |
| “Наҳв” | | 1926 | |

14.

| | | |
|--|---|-------|
| С.А.Фессалоницкий | “Она тили ўқитиш методикаси” | 1940 |
| Мурод Шамс | “Ўзбек тили ўқитиш методикаси” | 1950 |
| Фахри Камол | “Ўзбек тили ўқитиш методикаси” | 1952 |
| Ҳасан Рустамов | “Синтаксис ва пунктуация ўқитиш методикаси” | 1960 |
| Н.Абдурахмонов | “Ўзбек тили ўқитиш методикаси” | 1969 |
| Ё.Ғуломов, И.Расулов, Ҳ.Рустамов, Б.Мирзааҳмедов | “Ўзбек тили ўқитиш методикаси” | 1975 |
| Р.Розиқов | “Ўзбек тилидан дарс типлари” | 1976 |
| М.Омилхонова | “Мактабда содда гап синтаксисини ўрганиш” | 1977. |


15.

| | | |
|--|--|-------|
| А.Ғуломов, Ҳ.Неъматов | Она тили таълими мазмунни | 1995. |
| Б.Тўхлиев, М.Шамсиева, Т.Зиёдова | Ўзбек тили ўқитиш методикаси | 2010. |
| А.Ғуломов ва бошқалар. | Она тили ўқитиш методикаси. | 2012. |
| Т.Алмаматов, Қ.М.Ядгаров, Ш.Алмаматова | Ўзбек тили ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланиш. | 2013. |


16. Она тили ўқитиш методикасининг текшириш методлари.

| | |
|---|---|
| -кузатиш методи: | Ўқувчилар дарсларда, синфдан ташқари машғулотларда, она тилидан уйда бажарган ишлари асосида маълум мақсадда кузатилади ва таҳлил қилинади. |
| -тажрибани ўрганиш таҳлил қилиш ва умумлаштириш методи: | Илғор ўқитувчилар фаолиятлари, ўқитиш усуллари таҳлил қилинади. |
| -ўқувчилар билан шахсий суҳбат методи. | Ўқувчилар билан синфдан ва мактабдан ташқари пайтларда суҳбат ўтказилади ва таҳлил қилинади. |
| -анкета методи. | Бир вақтнинг ўзида бир неча ўқувчига савол берилиб, уларнинг бир ҳодисага турлича муносабати аниқланади. |
| -экперимент методи | Методист-олимларнинг қўлланмаларидаги тавсия ва методларининг самарадорлиги синфда тажриба қилиб кўрилади. |
| -методик меросни ўрганиш методи | Тилнинг ижтимоий аҳамияти ҳақида бой фалсафий ва педагогик мерос ҳозирги давр билан солиштирилиб хулосанади. |

17. Инсон фаолиятига икки томонлама ёндошув.



18. Онгли вербал-когнитив таълимнинг йўналиши.



19. Таълимнинг асосий педагогик – психологик омиллари.

Ҳар бир талаба дарс жараёнида ўз фикрини исботлашга ва химоя қилишга интилимгоғи зарур.

Таълим олувчига бериладиган йўлланма талабанинг изланиш ва ижод мазмуни билан бир йўналишда бўлмоғи. Ҳар бир таълим олувчининг ўзлигини, иқтидорини эркин ифода этиши.

Талаба пассив тингловчи эмас, изловчи, қиёсловчи, кашфиётчи бўлиши керак.

Талабанинг ҳар бир машғулотда янги билим қўникма ва малакалар ҳосил қилиши, ўзи учун янгилик кашф этиши.

20. Давлат таълим стандарти. Стандарт:

Умумий ўрта таълим битирувчиларининг
билим, кўникма ва малакаларига
кўйилгандиган минимал талабларни
белгилайди.


Ўқувчилар ёш ва тараққиёт даражасини
ҳисобга олган ҳолда максимал ўқув
юқламасини;

Она тилидан берилгандиган таълим
мазмунининг ижтимоий талаб тақозо
қилгандиган мажбурий ҳажминини;

21. Таълим мазмуни.

Ўрганиш учун танланган ва ўқувчиларнинг ўзлаштиришлари учун методик жиҳатдан ишланган бой ижтимоий тажрибанинг бир қисми.

22. Таълим мазмунини янгилаш заруриятлари



23. Билим, кўникма ва малака

Малака – муайян ҳаракатларни
бажариш ва бошқариш жараёнининг
автоматлашуви.

Кўникма – эгалланган тажрибагар
асосида муайян фаолиятни амалга
ошириш қобилияти.

Билим – кишиларнинг табиат ва жамият
ҳодисалари ҳақида ҳосил қиладиган
маълумотлари, воқеликнинг инсон
тафаккурида акс этиши.

24. Она тили предмети

-мактаб таълимида етакчи фан;

-бошқа фанларни тез ва осон
ўзлаштириш воситаси;

-ўқувчилар фикрлаш қобилиятини
ўстириш қуроли.

Она тили ўқитиш назарияси ва методикасининг умумдидактик тамойилари

25. Таълим-тарбия ва ривожлантиришнинг уйғунлиги.


Бирор мавзу ўтилаганда кундалик воқеаларни ҳаёт билан боғлаш, тушунчаларни кузатиш, умумлаштириш каби мустақил фаолият кўрсатишга ўргатиш.

Мавзуга оид матнларда тил ҳодисалари билан бирга тарбиявий аҳамияти ҳам бўлиши керак.


Фонетикани ўрганишда талаффуз меъёрларини ўзлаштириш орқали кофиядош сўзларни ҳосил қилиш, шеърятга кизикиш, бадий тарбия бериш, бадий ижодга ўргатиш. У орқали она тилининг кудратига мухаббат ҳисси шаклланади.

Бу тамойил орқали ўқувчилар маънавий ривожланишининг тамойиллари белгиланади.


26. Илмийлик ва тушунарлилик тамоёили.



27. Тизимлилик ва изчиллик тамойили.



28. Назарий билимлар ва амалий кўникмалар ҳосил қилиш тамойили.




29. Ўқитишда кўргазмалилик тамойили.

Кўргазмалилик
тилдаги
мавҳумлик,
умумлаштириш,
унинг
моҳиятини
англаш ва онгли
ўзлаштириш
воситаси.

Кўргазмали
воситаларнинг
табiiй ёки аниқ
буюмлардан
ҳамда расм,
жадвал, схема,
картина, техник
воситалардан
иборат бўлиши.

30. Она тилидан ўқув ишларини ташкил қилиш шакллари ва она тили дарсларини режалаштириш.



31. Дарсга кўйиладиган дидактик талаблар:

-хар бир дарсда ўқувчига ниманидир ўргатиш тўғри ёзиш, тўғри ўқиш, тўғри сўзлаш макалаларини такомиллантириш.

-ўқув ишларини ўқувчиларнинг ёши ва ўзига хос хусусиятларига кўра ташкил этиш;

-ўқувчиларга янги билим бериш ва уни амалиёт билан боғлаб, дарснинг тарбиявий аҳамиятини ошириш;


-ўқитувчининг раҳбарлиги;

32. Дарсинг ички ва ташқи томони:

Ташқи томони:
ўқувчиларнинг доимий группаси, қатъий режим, дарс жадвали ва машғулотларнинг маълум хонада ўтиши.

Ички томони:
дарсинг мақсади, ўқувчиларнинг билим олишга қизиқиши, таълим материални ҳис қилиш, тушуниш.

33. Дарсинг тузилиши:




34. Таълим логикаси.

Гуманитар, табиий, аниқ ва техника фанлар орасидаги ўзаро алоқадорлик. Алоҳида бир фан – ўзбек тилининг таълим логикаси унинг бўлимлари орасидаги алоқадорлик.

35. Она тили дарсларининг типлари.



36. Янги билимларни изоҳлашдарларининг тузилиши



37. Замонавий дарс турлари ва шакллари ¹⁾.

1. Мусобақа дарслари. Мусобақа учун мавзулар: нутқ товушларининг сири. “Сўз харфидан сўз ясанг”, “Тиниш белгилари мусобақаси”, “Заковат” ва бошқалар.

2. Баҳс-мунозара дарслари.

Баҳс-мунозара дарсларига қўйиладиган талаблар:

- баҳс-суҳбатда фаол иштирок этиш;
- сўзловчи фикрини диққат билан тинглаш;
- ўз фикрини шошмасдан, батафсил ифодалаш;
- мунозара давомида суҳбатдошига нисбатан ҳурмат сақлаш;
- нутқ одоби ва маданиятига риоя қилиш;
- мавзудан четга чиқмаслик;
- ўз фикрини исботлашда аниқ, ишонарли далиллар топиш;
- баҳслашаётганларнинг ҳақ эканлиги билинса, уни тан ола билиш.

1) Мисоллар Б.Тўхлиев ва бошқалар “Ўзбек тили ўқитиш методикаси” Т. 2006. китобидан олинди.

38. Уйга вазифа бериш ва текшириш.

-Ўқитувчи, синф раҳбари ва ота-оналар билан келишган ҳолда уй вазифасининг ҳажмини белгилаш.

-Уй вазифасини бажартиришда қуйидагиларга амал қилинади:

-аввало синфда ўтган қоида эслаш;

-дарсликдан ўша қоида ўқиб чиқиш;

-берилган машқни бир-икки ўқиб чиқиш;

-машқ шартига мослаб оғзаки бажариш;

-кейин топшириқни ёзма бажариш.

-уйга вазифа дафтарларини вақти-қақти билан текшириш;

-бўш ўқувчилар дафтарларини ҳар куни текшириш.

39. Дарс режаси ва унинг турлари.

-Режа қуйидагиларни ўз ичига олади:

-грамматика ва ёзув бўйича дастур мазмуни;

-тегишли материалларни қайтариб туриш;

-она тили ўқитиш билан боғлиқ стилистик ишлар:

-турли ёзма ишлар (диктант, баён, иншо).

40. Йиллик режа, чораклик режа, мавзуй режа мисолида.

6-синф

Йиллик соат – 170 соат.

I чорак. Сентябрь – октябрь – 47 соат

1. Кириш – 3 соат.

2. 5-синфда ўтганларни такрорлаш – 12 соат.

3. Морфологияга кириш – 8-соат.

4. Сўз туркумлари. Феъл. – 24 соат.

II чорак. Ноябрь – декабрь – 36 соат.

Рашишдошлар. Кўмакчи феъллар. Феълларнинг ясаши. Феълнинг маъно гуруҳлари. Замон шакллари. Майл шакллари – 36 соат.

41. III чорак. Январь – март -53 соат.

1. от – 37 соат.

2. сифат – 16 соат.

IV чорак. Апрель -май – 35 соат.

1. сон – 12 соат.

2. равиш – 12 соат.

3. сўз туркумларини такрорлаш – 11 соат.

42. Метод-(айн. Юнонча- “Бирор нарсага бориш йўли” демакдир).

Умумий маънода мақсадга эришиш усули, муайян тартибга солинган фаолият.

Фалсафий маънода, билиш воситаси сифатида ўрганиладиган предметни тафаккурда қайта ҳосил қилиш усули.

43. Она тили ўқитиш методлари.

Метод танлашда қўлланадиган факторлар.

-ўқувчилар билимни қайси манбадан китобдан олади; (ўқитувчидан, жонли тилдан ёки);

-ўқувчиларни машғулотларга жалб қилиш жараёни (мойиллик, қизиқиш ва бош.);

-ўқувчиларнинг мустақил ишлаш шакллари (ёзма ва оғзаки) ва ўрни (синфда ёки уйда).

44. Ўқитувчи фаолияти билан боғлиқ методлар:

Билимларни тайёр ҳолида баён қилиш.

Бу методнинг ижобий томони вақтни тежайди; ва салбий томонлари ўқувчи дарс жараёнининг пассив тингловчисига айланиши мумкин.

Билимларни муаммоли баён қилиш.

Ўқитувчи бирор муаммо қўяди: - “унли ва ундош товушлар”ни ўтишда: - унли ва ундошларни алоҳида айтинг. Талаффузида қандай фарқ сезаяпсиз?

- бта унли иштирокида бир бўғинли сўз ёзинг ва унлилар ўрнини алмаштириб қўринг.

45. Ўқувчи фаолияти билан боғлиқ методлар.

Репродуктив методлар:

(репродуктив – лот. ишлаб чиқариш, ҳосил қилиш; репродукция – психологияда, хусусан, методикада, хотирада сақланган нарсаларни қайта тиклаш; биологияда организмнинг ўзига ўхшаш организмни яратиши).

-тил материалларини қайта хотирлаш тайёр сўз, сўз бирикмаси, гап ва матнлар билан ишлаш.

Бунда:

-кўчириб ёзиш;

-изоҳли ёзув;

-сайланма диктант;

-фонетик, орфографик, лексик, морфологик, синтактик таҳлиллар, уларнинг схемасини чизиш;

-матнга тиниш белгилари қўйиш;

-шеърни насрий баён қилиш;

-намунага қараб сўз, сўз бирикмаси, гап ва матнлар тузиш;

-шевага оид сўзларни адабий нормада ёзиш.

46. Қисман изланувчанлик методлари.

Бу методдаги иш усуллари:

-нукталар ўрнига зарурий ҳарф, қўшимча, сўзлар қўйиш;

-маълум бир сўзни бошқаси билан алмаштириш;

-гапга ўзгартишлар киритиш орқали маъно ўзгаришини тушунтириш;

-маълум услубга мувофиқ матн танлаш;

-таянч сўзлар ёрдамида матн тузиш.

47. Изланишга асосланган методлар.

Бу методда:

-грамматик қоида талабига кўра сўз, сўз бирикмаси, гап ва матн танлаш;

- ижодий ва эркин диктант;

-иншо;

-бадий асар тилини мустақил ўрганиш;

-ўқилган бадий асарга тақриз ёзиш;

-бадий асар тилини мустақил ўрганиш;

-мақола ёзиш, реферат ёзиш.

48. Ўқитувчилар қўллаётган бошқа методлар:

- тайёр билимлар билан қуроллантириш;
- йўналтирилган таълим методи (тил материалларини системали ўрганиш) баҳс-мунозара қилиш;
- муаммоли таълим методи;
- онгли вербал-когнитив таълим методи.

49. Фонетика ўқитиш методикаси

Фонетика ўқитишнинг хусусий методик принциплари:

-ўқувчиларнинг ўз нутқ оҳангига таяниш: товушларни онгли хис қилиш, уларнинг хусусиятларини тўғри аниқлашга ўргатиш;

-товушни морфема таркибида кўриб чиқиш-позициясига кўра товуш ўзгаришларини тушуниш;

-товуш ва харфни қиёслаш: товуш ва харфни қориштириб юбормаслик.

50. Фонетика ўқитишнинг асосий мақсади: ўқувчиларда амалий малакалар–саводхонликни, тўғри сўзлашни шакллантириш ва такомиллаштириш.

51. Фонетика ўқитишнинг вазифалари:

- нутқ товушларининг кишилиқ ҳаётида тутган ўрнини;
- нутқ товушларининг бошқа товушлардан фарқини;
- нутқ товушларининг пайдо бўлиш йўларини;
- нутқ органларининг вазифаларини;
- товуш ва ҳарф муносабатини;
- бўғин ва урғуни ўқувчиларга ўргатиш.

52. Нутқ аппарати ҳақида маълумот.

53. Бир товуш билан фарқ қиладиган сўзлар:

Бош-қош, мош-тош, дош-фош

Кўп-кўл, кўм-кўк, -кўр-кўч.

Бел-бек, беш-бет, бер-без.

Қиз-қиш, қий-қил, қин-қир.

Гаж-газ, гал-гап, ган-гаҳ.

54. Нутқ товушлари.

Фақат овоздан иборат бўлган товушлар: а, о, и, э, у, ў.

Овоз ва шовқиндан иборат бўлган товушлар: з, й, л, м, н, к, р, ф.

Фақат шовқиндан иборат бўлган товушлар: п, ф, к, т, ш, с, ч, х, қ, ҳ.

55. у-ў, и-у, э-и, а-о жуфтлари билан фарқланувчи сўзлар:

У-ў: бул-бўл, кул-кўл, тур-тўр, бур-бўр.

И-у: бил-бул, тиш-туш, қиш-қуш, тин-тун.

Э-и: эш-иш, бел-бил, пеш-пиш, теш-тиш.

А-о: бар-бор, бал-бол, бас-бос, бай-бой, бақа-бақо.

**56. Ундош товушларнинг талаффузи ва имлоси юзасидан
машқлар:**

Жарангларнинг жарангсизлашувчи

Б-п: боб-боп, адиб-адип, банд-панд, барқ-парк;

Д-т: дош-тош, дор-тор, дил-тил, дам-там;

Г-к: эг-эк, гал-кал, гул-кул, гўл-кўл;

Ғ-қ: боғ-боқ, тоғ-тоқ, ёғ-ёқ, оғ-оқ, тиғ-тиқ;

Ж-ч: жой-чой, жиз-чиз, жила-чила, жала-чала;

57. ф-п, х-ҳ ундошларининг талаффузини солиштиринг.

Ф-п: фойда-пайдо, фол-пол, туф-туп, соф-соп;

Х-ҳ: хол-ҳол, шох-шоҳ, хуш-ҳуш, хўп-хўп;

58. “Ф” ундошли кенг истеъмолдаги сўзлар:

¹фаол, ²фарзанд, ³фарк, ⁴фасл, ⁵фақат, ⁶фаҳм, ⁷фермер, ⁸фидо, ⁹фикр,
¹⁰фил, ¹¹фиғон, ¹²фото, ¹³фош, ¹⁴фурсат, ¹⁵футбол.

59. к-қ ундошларининг жаранглилашуви ва жаранглилашмаслик ҳолатлари.

К: бек-беги, билак-билаги, кубок-кубоги, тилак-тилаги, юрак-юраги;

Қ: йўқ-йўғи, таёқ-таёғи, қошиқ-қошиғи, қўшиқ-қўшиғи, яхшироқ-яхшироғи;

К: иштирок-иштироки, очерк-очерки, ток-токи, тарк-тарки, эрк-эрки;

Қ: йўқ-йўқи, равнақ-равнақи, қирқ-қирқи, хақ-хақи, ҳуқуқ-ҳуқуқи.

60. Товушдош сўзлар.

От – ол-ош-оқ-оғ-ов-оз-ор-ос-оч;

От – ит-эл-ўт;

Бир – биз-бич-бил-биқ-бий-биж-бит;

Бир – бўр-бер-бор-бўр-бар;

Бир – пир-сир-кир-зир-чир-ишр-қир-ғир.

61. Товуш билан ҳарф орасидаги муносабат.

- ҳарфнинг аксарияти маълум товуш ифодалайди;
- ҳар хил товуш бир белги билан берилади: жўра-аждар.
- баъзи товушлар бир неча ҳарф билан берилади: нг, ш, ч;
- ҳарф ёзилади, ўқилади, лекин талаффуз қилинмайди. Товуш эса талаффуз қилинади, эшитилади.

62. “Алфавит”ни ўргатишда бажариладиган машқлар:

- синф ўқувчилари ёки шахарларнинг рўйхатини алфавит тартибида ёзиш. Бунда кейинги ҳарфларга ҳам эътибор бериш;
- доскага ёзилган бир неча сўзларни алфавит тартибида ёзиш;
- “имло луғати”дан берилган сўзларни топиш;
- бирор шеърини парчадаги сўзларни алфавит тартибида ёзиш.

63. Бўгин ва бўгинга ажратиш машқлари.

-Бўгинга ажратишда нг, sh, ch ҳарфий бирикмаларга диққатни қаратиш:

-нг, sh ҳарфий бирикмаларининг бир товуш ифодалаган ҳолатлари: кўнгил, сингил, тонгда, сўнгра; ҳашорат, башорат, ташқари, бошла;

-нг, sh ҳарфий бирикувларининг икки товуш ифодалаши: менга, осмонга, тунги, эртанги;

Исҳок, асҳоб (дўстлар), масҳуб (ҳамсуҳбат), мусҳаб (китоб), фусҳат (кенглик).

64. Байналмилал сўзларда бўғинга ажратиш:

-ундош товуш интервокаль ҳолатда бўлса бўғин ундош билан бошланади: а-гент, а-ка-де-мик, ди-ви-зи-я;

-интервокаль ҳолатда икки ундош қатор келса, бўғин ундошлар билан бошланади: а-грес-си-я, а-гле-ти-ка, ба-кте-ри-я, ви-три-на, ве-ксель;

-икки унли ўртасида уч ундош қатор келса ҳам, ҳамма ундошлар кейинги бўғинда, ўнг томонда бўлади: га-стрит, га-стро-ном, га-строль, а-стро-фи-зи-ка, а-ктри-са;

-интервокал ҳолатдаги қатор ундошларнинг биринчи ҳарфи м, н, л, р, в, й ҳарфларидан бири бўлса, улар олдинги бўғинда қолади: ав-густ, гал-стук, гер-барий, бой-кот, ам-ни-сти-я, ан-то-га-низм;

-пасаювчи интонацияда жуфт ундошлар ўртасидан бўлинади: ак-корд, аб-бат, ас-сам-бле-я, бюл-ле-тень, пас-сив;

-ўзакни сақлаган ҳолда бўғинга ажратиш ҳам бор: спорт-смен.

ЛЕКСИКОЛОГИЯ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ.

65. Лексикология бўлимларини ўрганишда қўлланадиган принциплар:

-лексик—грамматик принцип: сўзларнинг лексик ва грамматик маъноларини қиёслаш;

-контекст (матн)ли принцип: сўзларни матнда синтагматик (синтагма - тизим, саф:-бир ёки бир неча сўздан иборат бўлган интонацион-мазмуний тил бирлиги) алоқа воситасида қараш;

-лексик – синтактик принцип: сўз ва сўз бирикмаларини қиёслаш.

66. Лексикология ўқитишнинг асосий мақсади:

Сўз ва тушунчаларнинг ўзаро муносабати, сўзларнинг маъно типлари, сўз маъноларининг ифодаланиш йўллари ўргатиш.

67.Лексикология ўқитишнинг асосий вазифаси:

Сўз маъноларнинг тараққиёти, кўп маънолилиқнинг ҳосил бўлиши, луғат таркибининг грамматик қурилиш билан боғлиқлиги, сўзнинг грамматика ихтиёрига ўтгандан кейин ўзгариш сабаблари, иборалар ва уларнинг шаклланишини ўрганишдир.

68. Сўзнинг луғавий (лексик) маъноси.

Ҳар бир сўзнинг предмет, белги, ҳаракат, миқдор, ҳолат каби маъноларни англатиши луғавий маъноси ҳисобланади.

69. Бир маъноли ва кўп маъноли сўзлар:

Бир маъноли сўзлар: алфавит, урғу, фонетика, лексика, дўконча, дўппидўз, жувозхона, зирак, бозорлашмоқ, радиус.

Кўп маъноли сўзлар: кўзни эҳтиёт қилинг.

Узукнинг кўзи қиммат баҳо тошдан эди.

Деразанинг кўзига ойна қўйдирдик.

Эски булоқнинг кўзи очилди.

Бу тахтанинг кўзи кўп экан.

Аҳмад ака-ишнинг кўзини биладиган одам.

70. Сўзнинг кўчма маънолари.

Ҳовлимизда ҳар хил гуллар бор

Бу ҳовлида бир гул бор. Унинг исми Оқила

“Гул”нинг уядошларини топиш.

Нина (игна) пўлатдан ясалади.

Вазифани Пўлат биринчи бажарди.

Алишернинг иродаси пўлатдан экан

Пўлатнинг уядошларини топиш.

71. Уядош сўзлар (бир мавзуга оид сўзлар сираси)

Йилқи – от, бия, байтал, саман, тўриқ, жийрон, кашқа, йўрға:

-дарахт – ўрик, олма, арча, терак, тол ...;

-мевали дарахтлар – ўрик, шафтоли, гилос ...;

-манзарали дарахтлар – терак, тол, арча, қайин, чинор, каштан, дуб ...

-гул – райхон, чиннигул, карнайгул, гултожи хўроз, лола, бўтакўз,
астра, хрезантема;

-қора мол – сигир, хўкиз, бука, гаваз, тана, ғуножин, бузоқ ...;

-қўй – совлиқ, қўчқор, дагар, панжи, чори, тусоқ, қўзи;

-товуқ-хўроҳ, макён, дакан, бабақ, жўжа.

72. Пароним сўзлар.

Адабий норманинг бузилиши натижасида ёзилиши ҳар хил талаффузи бир хил сўзлар:

Соп – соф

зийрак – зирак

Ариқ – ориқ

пақир – фақир

Ёд – ёт

туб – туп

Ёриқ – ёруғ

трактир – трактор

Расо – роса

пол – фол

Май – мой

оқлик – оқлик

73. Иборалар ва уларнинг таркиби.

Оқ кўнгил, сув қуйгандай, капалаги учди.

- ибора бир сўзга тенг;

- таркибида бирдан ортиқ мустақил сўз бўлади;

- сўзлар кўчган маънолари билан қатнашади;

- ибора нутқ таъсирчанлигини оширади.

- ойи, не қовоғингизни силаяпсиз?

- кўзим учди.

- ия, жойида турибди – ку!

74. Тасвирий ифодалар:

- Фазогирлар – само лочинлари;
- маккажўхори – дала маликаси;
- кушлар – канотли дўстлар;
- самолёт – пўлат кушлар;
- пахта – оқ олтин;
- нефть – қора олтин.

75. Луғат билан ишлашда бажариладиган лексик – фразеологик машқлар:

- кўп маъноли сўзларни луғатлардан аниқланг;
- берилган сўзларнинг синоним (антоним, омоним, фразеологик бирикма) ларини топинг;
- изоҳли луғатдан диалектал сўзларни топинг;
- шу сўзлар асосида гап тузинг.
- гаплардаги лексик хатоларни аниқланг.

76. Морфология ўқитиш методикаси.

Грамматиканинг аҳамияти ва вазифаси.

Ўқувчилар фикрлаш қобилиятининг шаклланиши ва ўсишида, айниқса, грамматиканинг аҳамияти катта. Грамматика ўқитишнинг барча босқичларида ўқувчиларнинг “тил сезгирлиги” қобилиятларини ўстириш, она тилини билишга қизиқишини ошириш, сўзларни ўз ўрнида ишлатиш, гапни тўғри тузиш малакаларини ҳосил қилиш грамматика бўлимини ўқитишнинг вазифаси саналади.

77. Морфология ўқитишнинг асосий мақсади:

Нутқимизда қўлланадиган сўзларнинг англаган маънолари, морфологик белгилари, синтактик функция (вазифа)ларига кўра туркумларга ажратиш принципларини ўргатиш.

78. Морфология ўқитишнинг асосий вазифалари:

Ўқувчиларга ҳар бир сўз туркумига хос бўлган грамматик категорияларни, сўз туркумларининг ясалишини, сўз шакллари, сўз шакллариининг функциянал қўлланишини, сўз шакллариининг сўз бирикмаси ва гап қурилишидаги ролини, морфологиянинг орфография билан бевосита алоқадорлигини, морфологик шаклланган сўзларнинг стилистик вазифаларини тушунтиришдир.

79. Сўзларни лексик – грамматик гуруҳларга ажратиш принциплари

1. Семантик (лексик - семантик) принцип. Сўзларни луғавий (лексик) маъноларига кўра тўдалаш: предмет, белги, миқдор, ҳаракат, ҳолатларни англатиши.

2. Морфологик принцип. Сўзларнинг формал грамматик белгилари: сўз ўзгартувчи (алоқа-муносабат шакллари) аффикслар олиши ёки олмаслиги каби соф грамматик ҳолатни назарда тутди. Отлар: сон, келишик, эгалик аффикслари, феъллар: тусловчи аффикслар.

3. Синтактик принцип. Ҳар бир сўзнинг маълум гап бўлаги вазифасида келиши назарда тутилади.

Ҳар бир бўлак учун типик сўзлар:

Кесим-феъл, аниқловчи-сифат, эга-от, тўлдирувчи-от ва ҳоказо.

80. Давлат дастурида мустақил сўз туркумларига ажратилган соатлар.

-феъл – 60 соат.

-от – 37 соат.

-сифат – 18 соат.

-сон – 12 соат.


-равиш – 12 соат.

-олмош – 17 соат.

81. От туркумига кирувчи сўзларнинг англаган маънолари:

- отлар кенг маънодаги предметларни англатади;
- конкрет предметларни: дафтар, китоб, дарахт,
- умумийликни билдирувчи сўзларни: инсон, қиш, ёз, дала;
- табиат ҳодисалари ва турли воқеаларни: шамол, инқилоб, тошқин...;
- ҳаракат номларини: уруш, узум, терим...;
- белги-ҳолат номларини: гўзаллик, яхшилик, ўй, туйғу каби.

82. Отларнинг маъно гуруҳлари.



83.



84. Давлат дастурида ёрдамчи сўз туркумларига ажратилган соатлар.

Кўмакчилар – 12 соат.

Боғловчилар – 10 соат.

Юкламалар – 8 соат.

85. Ёрдамчи сўз туркумланини ўтишда ўқитувчининг амалга оширадиган мақсадлари:

-ўқувчиларнинг грамматикадан олаётган билимларини бойитиш ва хар бир ёрдамчи сўзнинг хусусиятларини ўргатиш;

-ёрдамчи сўзларнинг мустақил сўзлардан фарқини ўргатиш;

-ўқувчиларнинг ёрдамчи сўзларни ўз нутқида тўғри қўллай олишларини ўргатиш;

-ёрдамчи сўзларнинг, хусусан, юкламаларнинг имлосини ўргатиш.

86.

Кўмакчиларнинг турлари

Соф кўмакчилар:

-мақсад маъноси: сабабли,
туфайли, учун;

-йўналиш маъноси: томон,
қараб, сари, бўйлаб;

-қаратилганлик маъноси:
ҳақида, тўғрисида;


-ўхшатиш, қиёслаш
маъноси: каби, сингари;

-чегара маъноси: қадар

Кўмакчи отлар
функционал
кўмакчилар:

Ост, уст, орқа, олд, ора,
бош, ўрта.

87. Кўмакчиларнинг



88. Қўмакчиларнинг маъно кенгайтириши.

-Укам учун дафтар олдим.

-Онаси билан бирга ишлайди.

-Бир ҳафта кейин келди.


89. Давлат дастурида алоҳида сўзларга ажратилган соатлар.

Модал сўзлар – 8 соат.


Ундов сўзлар – 3 соат.

Тақлид сўзлар – 6 соат.

90. Модал сўзлар.



91. Ундовлар



92. Ундов сўзлар бўйича машқлар:


-бирор бадий матндаги ундов сўзларни топиб изоҳлаш;

-ундов сўзлар иштирокида гап тузиш;


-ундов сўзларнинг бошқа сўз туркумига кўчишига мисоллар топиш;

-ундов сўзли гапларнинг тиниш белгиларини изоҳлаш.

93. Тақлид сўзларнинг турлари.



94. Грамматик таҳлилнинг таркибий қисмлари.



95. Грамматик таҳлилининг босқичлари.

| | | | |
|---|--------|----------|------------------|
| I босқич. | | | |
| Сўзларни таркибий қисмлар мор-фемаларга ажратиш | | | |
| Биз/ гўзал/ ахлоқ/ли халқ/миз | | | |
| II босқич | | | |
| Сўз туркумларини аниқлаш. | | | |
| Олмош | сифат | сифат | от |
| Биз/ | гўзал/ | ахлоқ/ли | халқ/миз |
| III босқич | | | |
| Сўзларнинг қайси туркумга кириши ва унинг турлари | | | |
| Биз | гўзал | ахлоқ/ли | халқ/миз |
| Олмош | сифат | сифат | от |
| Кишилиқ | аслий | нисбий | турдош |
| Олмош | | ясама | эгаліқ қўшимчаси |

96. Синтаксис ўқитиш методикаси.

Синтаксис ўқитишнинг асосий мақсади: синтаксисни морфология ва орфографияга боғлаб ўрганиш, шунингдек, сўз туркумлари билан гап бўлаклари орасидаги фарқли ва боғланишли тамонларини тушунтириш.

97. Синтаксис ўқитишнинг асосий вазифаси:

Ўқувчиларга нутқнинг интонацион томонини ўргатиш, ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини, тафаккурини ўстириш ва такомиллаштиришдан иборат.

98. Давлат дастурида синтаксис бўлимини ўтиш учун ажратилган соатлар:

- сўз бирикмаси – 18 соат;
- гап ҳақида умумий маълумот – 6 соат;
- содда гаплар – 20 соат;
- иккинчи даражали бўлақлар – 34 соат;
- қўшма гаплар – 4 соат;
- боғланган қўшма гаплар – 9 соат;
- эргашган қўшма гаплар – 22 соат;
- боғловчисиз қўшма гаплар – 6 соат;
- кўчирма гаплар – 9 соат;
- нутқ услубияти – 11 соат.

99. Сўзловчи ва тингловчининг ўзаро муносабати (алоқаси)

Нутқ – ўзаро боғланган нарса ва ҳодисаларни ифодалаш шакли.

Буда сўзловчи ва тингловчи қатнашади.

| Сўзловчи | Тингловчи |
|--|------------------|
| <p>Объектив одам тил</p> <p>борлиқ онги</p> <p>1 → 2 → 3</p> <p>Предмет образ нутқ</p> | <p>1 ← 2 ← 3</p> |


100. Сўз бирикмаси ҳақидаги дастлабки маълумот.

-сўз бирикмаси тобе ва ҳоким сўздан иборат бўлади;

-сўз бирикмасида сўроқ ҳоким сўздан тобе сўзга берилади;

-сўз бирикмаси сўзга нисбатан предмет, белги, иш ҳаракатни аниқ ифодалайди;

-сўз бирикмасининг тури ҳоким сўзга нисбатан белгиланади: отли бирикма, феълли бирикма.



102. Сўзларнинг ўзаро муносабати.

-сўзлар ўзаро тенглашиш ва тобеланиш асосида муносабатга киришади;

-тенглашиш асосида бирикиш сўз бирикмаси саналмайди;

-эга билан кесимнинг ўзаро боғланиши ҳам сўз бирикмаси саналмайди;

-ўзаро ҳоким тобе муносабатигина сўз бирикмаси саналади.

103. Тобе сўзнинг ҳоким сўз билан грамматик белгисиз бирикиши.

Сифат, сифатдош, сон, кўрсатиш олмошлари – сифатловчи аниқловчи бўлиб келганда от (ҳоким сўз) билан ҳеч қандай қўшимчасиз бирикади.

104. Сўз бирикмаси билан гапни қиёслаш.

| |
|--|
| Тугалланган фикр - гап |
| Ёзги таътилни кўнгилли ўтказдик. Мактабимизнинг қизлари қувноқ. |

| |
|--|
| Сўз бирикмалари |
| Ёзги таътил, кўнгилли ўтказиш; Мактабимизнинг қизлари, қувноқ қизлар. |

105. Гапнинг ифода имкониятлари.

Гаплар бирор нарса-предмет ва ҳодисаларни ифодалашдан ташқари сўзловчининг айтилаётган фикрга муносабатини ҳам ифодалайди. Уканг ялқов эмас.

106. Гапларнинг ифода мақсадига кўра турлари.

Дарак гаплар.

Сўроқ гаплар.

Буйруқ гаплар.

107. Сўз билан гапнинг қиёси.

-сўзда маъно бор, фикр ифодаламайди;

-гапда фикр бор;

-фикрда эмоционалик бор.

Пахта, терим, бошламоқ.

Пахта терими бошланди.

Пахта терими бошланди!

Залда қанча одам бор?

Залда қанча одам бор?!

108. Гапларнинг тузилишига кўра турлари

Содда гаплар:

Ҳаво булут бўлди.

Ёмғир ёғди.


Ўқитувчи келди.

Йиғилиш бошланди.

Қўшма гаплар

Ҳаво булут бўлди ва
ёмғир ёғди. Ўқитувчи
келгач, йиғилиш
бошлади.

109. Гапнинг бош бўлаклари ва уларнинг



110. Содда гаплар билан қўшма гапларни қиёслаш

| Содда гаплар | Қўшма гаплар |
|---|---|
| Тиниқ осмонда юлдузлар чарақлайди. Ой кўринмайди Бу йил ҳосил мўл бўлди. Ерга кўп куч сарфладик. | Тиниқ осмонда юлдузлар чарақлайди, аммо ой кўринмайди. Бу йил ҳосил мўл бўлди, чунки ерга кўп куч сарф қилдик. |

111. Янги материал баёнига ажратиладиган вақт.

Ўқитувчи ахбороти учун


V – VI синфларда: 4-5 минут.

VII – IX синфларда 5-10 минут.

112. Қўшма гапларнинг турлари.

- тенг боғловчили қўшма гаплар;
- эргаштирувчи боғловчили қўшма гаплар;
- юкламали қўшма гаплар;
- нисбий сўзли қўшма гаплар;
- фақат оҳанг воситасида боғланган қўшма гаплар.

113. Қўшма гаплар компонентларини бириктирувчи воситалар.




114. Орфография ўқитиш методикаси.

Орфография ўқитишнинг мақсади.

Орфография ўқитишнинг асосий мақсади: орфографик саводхонликни шакллантиришдир, яъни ҳарфий ва ҳарфий бўлмаган воситалар ёрдамида мавжуд орфографик қоидалар асосида сўзларни ёзишдир, яъни нисбий орфографик саводхонликни эгаллашдир.

115. Орфографик ўқитишнинг (дарсларининг) асосий вазифаси – ёзув билан ўқишнинг тафовутини англаш, ўқишда сўзларнинг имлосига эътибор бериш малакаларини шакллантириш, ўқувчиларни тўғри ёзишга ўргатишдир.

116. Орфографик саводхонликнинг икки даражаси



117. Орфографик минимум.

Имлосини орфографик қоидалар билан тушунтириб бўлмайдиган, фақат имло луғатидан фойдаланиб ёд олинadиган сўзлардир.

Бундай сўзлар:

V синфда 180 та;

VI синфда 170 та;

VII синфда 150 та;

VIII синфда 140 та;

IX синфда 140 та бўлиши мумкин.

118. Орфографик машғулотлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- сўз ва қўшимчаларнинг ёзилишини кузатиш,-қиёслаш ва таҳлил қилиш;
- орфографик қоидаларни ўзлаштириш;
- орфографик қоидаларни ёзувда табиқ қилиш бўйича машғулотлар олиб бориш.

119. Орфографик қоидалар билан ишлаш.

Орфографик қоидалар ўзбек тилининг фонетик ва грамматик қурилиши билан боғлиқ бўлиб, I – VII синфларда грамматика ўқитиш билан боғлаб олиб борилса, VIII – IX синфларда ёзма ишларга боғлаб айрим имло қоидалари такрорлаб борилади.

120. Орфографик машқларнинг турлари.

Махсус орфографик машқлар:

-кўчириб ёзиш:
а) матнни ўзгартирмасдан кўчириш;
б) матнни ўзгартириб кўчириш;
-диктант (ижодий ва эркин диктантдан бошқа)лар: изоҳли ёзув, таъкидий диктант, изоҳли диктант, сайланма диктант, луғат диктант, назорат диктант.

Махсус бўлмаган орфографик машқлар:

-эркин диктант,
-ижодий диктант:
а) ўтилган орфограммалар ёрдамида гаплар тузиш;
б) берилган матнни кенгайтириш;
-баён
-иншо.

121. Ўқувчилар саводхонлигини аниқлаш.

Мактабда ўтказиладиган барча ёзма ишлар ўқувчилар саводхонлигини аниқлаш воситасидир. Ўқувчиларнинг тўғри ёзиш малакаси ҳақидаги тасаввур назорат диктанти, баён ва иншо орқали ҳосил бўлади.

122. Уйга берилган топшириқни текшириш йўллари.

- парта устига қўйилган дафтарларни текшириб чиқиш;
- бирор ўқувчини доскага чиқариб, унинг ёзганини текшириш;
- хар бир гапни навбат билан ўқитиш, ёзилишини сўзлатиш;
- хар бир дарсда 4-5 та ўқувчининг дафтарини уйга олиб кетиб текшириш.

123. Ўқувчиларнинг хатоларини тузатиш йўллари.

-хато ёзилган ҳарфнинг тагига чизиш;

-хато ёзилган бўғиннинг тагига чизиш;


-хато ёзилган сўзнинг тагига чизиш;

-хато ёзилган сўзнинг қаторидаги ҳошёга белги қўйиш;

-матн (диктант)даги хатоларни санаб чиқиб унинг миқдорини ёзиб қўйиш.

Бунда хатолар ўқитувчи томонидан тузатилмайди.

124. Ёзма ишларда учрайдиган хатоларнинг турлари



Бир сўзнинг бир неча ўринда бир хил хато билан ёзилиши битта хато саналади.

125. Орфографик хатоларнинг вужудга келиш сабаблари:

А) умумий характердаги сабаблар:

-ягона орфографик режимнинг жорий қилинмаганлиги; бирҳад – бир хадлилар; бир ёқ-бирёқлама – бир ёқли;

-синф ўқувчиларининг саводхонлик даражасининг ҳар хиллиги;

-ўқувчиларнинг турли фанлар бўйича ортиқча топшириқлар билан бандлиги;

-орфографик система билан боғлиқ сабаблар.

126. б) ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзларининг сабаб бўлиши:

- орфография ўқитишда ягона система ва изчилликнинг бўлмаслиги;
- орфография ўқитиш метод ва усулларининг тўғри танлай олинмаслиги;
- ўқитувчининг баъзи имло хатоларига йўл қўйиши;
- танланган машқ (матн)нинг ўқувчи савиясига тўғри келмаслиги;
- қоидани аниқ, содда, ихчам қилиб тушунтира олмаслик,-бунда ўқитувчининг иккиланиши;
- хатолар устида ишлашда муайян системанинг йўқлиги;
- ўқитувчининг дарсга пухта тайёрланмаганлиги.

127. в) хатоларнинг юзага келишига ўқувчиларнинг ўзлари сабаб бўлиши:

-ўқувчининг баъзи сўзларнинг маъносига тушунмаслиги;

-бирор орфографик қондани билмаслик ёки тўла татбиқ қила олмаслик;

-адабий тил билан шева ўртасидаги ўхшаш-ноўхшаш ҳолатларни билмаслик;

-ёзилаётган матнга диққатни тўла қаратмаслик.

128. Темантик плакатлар.

1. жарангли ундошларнинг ёзилиши:

Жавоб, озод, иснод...

2. П –Ф ундошларининг ёзилиши:

Пайдо – фойда, соф-соп, -фақир-пақир.

3. У-Ў унлиларининг ёзилиши:

Унга-ўнгга, тур-тўр, укув-ўқув.

4. Қўшма сўзларнинг ёзилиши:

Бирҳад – бир ҳадлилар, бироғиз-бироғиздан – бироғизлик, бирнав-
бир навли, бир ёқ, бирёқлама, бир ёқли каби.

129. Пунктуация ўқитиш методикаси.

Пунктуация ўқитишнинг асосий мақсади:

Ўқувчиларга пунктуациянинг системалилигини, ижтимоий ҳодиса эканлигини, фикрни ёзма ифодалашдаги аҳамиятини ўргатиш пунктуацион хатоларнинг олдини олишдир.

130. Пунктуация ўқитишнинг асосий вазифалари:

-ёзувчи ва ўқувчи ўртасидаги ёзув орқали бўладиган ижтимоий алоқа ва аралашувни тўғри таъминлайди:

Ёз? Ёз!;

-ёзма нутқдаги мақсад, мазмун, маъноларни аниқлайди: гапнинг охирига қандай мақсадда ., ?, ! белгилари қўйилганлигини асослайди;

-гап таркибидаги ўзаро муносабатларни кўрсатади;

-ёзма нутққа стилистик қулайлик туғдиради: Жиззахдан Тошкентга катнайдиган поезд – “Жиззах - Тошкент” поезди;

-баъзан ёзма нутқдаги мураккаб фикрий муносабатни ифодалашга ёрдам беради: Товба!.. Бу лаънати, асти, нима қилади?!

131. Пунктуация принциплари

Логик-грамматик принцип.

Қуйидагиларга асосланади:

| | | |
|--|--|--|
| <p>А) нутқ мазмунига кўра. Бунда тиниш белгилари гапнинг мазмунига кўра қўйилади: ., ?, !.</p> | <p>Б) нутқ тузилишига кўра. Бунда тиниш белгилари гап тузилишига боғлиқ: киритма конструкция асосий гапга зич боғланса қавс, кучсизроқ боғланса тире билан ажратилади.</p> | <p>В) нутқ интонациясига кўра. Бунда тиниш белгилари гапнинг интонациясига боғлиқ: Эртага биринчи жуфтлик Ҳожиев бўлади (студентлар кўп фанларни ўқитувчи номи билан айтишга одатланган). Бу ерда пасаювчи интонация. Барибир кечикдик, эҳ! Кучли интонация.</p> |
|--|--|--|

132. Стилистик принцип.

Бунда тиниш белгилари нутқ стилларига боғлиқ ҳолда ишлатилади: нуқта, кўп нуқта, вергул, сўроқ, ундов (., ..., , , ?, !) барча ёзув стилларида қўйилади. Аммо илмий матнда фикр (нутқ)нинг давомийлигини англатувчи гап охирига икки нуқта (:) қўйилади. Бадиий асарларда бундай ҳолат кўпинча нуқта (.) билан чекланади.

133. Дифференциация принципи.

Бунда тиниш белгилари ёзув техникасини фарқлаш, қўша қўйиладиган белгининг тартибини белгилаш, гаптаги мураккаб мазмунни конкретлаштириш учун қўлланилади: «“Навой” романи Ойбекнинг биринчи йирик тарихий асаридир»,-деди ўқитувчи. Икки команда [“Суғдиёна” (Жиззах) – “Гулистон” (Сирдарё)] ўртасидаги учрашув майдон эгаларининг ғалабаси билан тугади.

134. Пунктуацион хатоларнинг типлари:

- керакли тиниш белгисини қўймаслик;
- тиниш белгиларини ортиқча қўйиш;
- тиниш белгиларини қориштириш: бирининг ўрнига бошқасини қўйиш;
- белгилардан бирини тушириб қолдириш;
- тиниш белгиларини қўйишда изчилликнинг йўқлиги.

135. Пунктуация хатоларининг сабаблари.

Ўқувчилар ёзма ишларида орфографик хатоларга нисбатан тиниш белгиларида учрайдиган хатолар кўпроқ. Бу, биринчидан, ўзбек тили пунктуациясининг илмий асослари ва принциплари хали аниқ белгиланмаганлиги, иккинчидан, бу соҳада ўқувчилар учун махсус қўлланманинг йўқлигидир.

136. Пунктувция ўқитиш методлари.

1. Қойида билан ишлаш.
2. Пунктувцион малака ҳосил қилиш.
3. Машқ қилиш.

137. Қоида билан ишлаш.

Алоҳида олинган матн ҳамда гапда тиниш белгиларининг қўйилиш ёки қўйилмаслик шартларини ўзида бирлаштирган махсус кўрсатма пунктуацион қоида дейилади.

138. Пунктуацион қоидларнинг турлари.

Ижобий қоидлар
Қайси белги қачон
қўйиладиган бўлса, шу
конструкциядаги
пунктуацияни бошқаради.

Салбий қоидлар. У ёки бу
белгининг қўйилишини
таъқиқлайди: гапнинг уюшиқ
бўлаклари вергул билан
ажратилади. Лекин улар
такрорланмайдиган
боғловчилар билан боғланса,
вергул қўйилмайди.

139. Пунктуацион қоида билан ишлаш этаплари.

I – этап

Ўқувчиларнинг нутқ бўлагида тиниш белгиларининг ишлатиш ёки ишлатмаслигини ўзлаштириши.

Ўқувчиларга қандай шароитда тиниш белгиларини қўйиш ёки қўйимаслигини мисоллар асосида тушунтириш.

II – этап

Ўқувчиларга ўрганган пунктуацион қоидани қўллашни ўргатиш.

Бунинг учун ўқитувчи ўрганилган пунктуацион қоиданинг турли вариантларга мослаб 2-3 та гап тайёрлаб келади ва ундан фойдаланиш йўллари ўргатади.

140. Пунктуацион малака ҳосил қилиш.

Пунктуацион малака – бу матн ва гапда тиниш белгиларини қўйиш ёки қўймаслик ҳақидаги фикрлаш ҳаракатидир.

141. Пунктуацион малаканинг турлари.

-мавжуд коммуникатив бирликларда маъно бўлаklarини кўра билиш;

-ўрганилган пунктуацион қоидаларни матн ва гапларда тўғри қўллай олиш;

-тиниш белгиларининг тури ва ўрнини асослай олиш;

-пунктуацион хатоларни топиш ва тўғрилаш.

142.

Пунктуацион машқларнинг типлари

Синтактик пунктуацион таҳлил.
 -тиниш белгиларининг қўйилиш сабабларини оғзаки изоҳлайди;
 -гапни синтактик таҳлил қилади;
 -гап бўлақларига синтактик тавсиф беради;
 -тиниш белгиларига мос келадиган пунктуацион қоидани айтади.

Мисоллар топиш.
 -бирор пунктуацион қоидага мос келадиган мисоллар топади;
 -мисолларни изоҳлайди.

Тиниш белгилари туширилган матннинг тиниш белгиларини қўйиб қўчириш.
 -матн боғли матн бўлгани маъқул

143.

Диктантлар
 Пунктуацион қоидани мустаҳкамлаш учун ўтказиладиган ижодий диктантлар 2 хил бўлади:
 1) доскага бир нечта сўз ёзади ва шу сўзлар иштирокида гап тузиб тиниш белгилари таҳлил қилинади.
 2) доскага бир нечта сўз ёзилади ва улар асосида боғли матн тузиб тиниш белгилари таҳлил қилинади.

Пунктуация билан боғлиқ бўлган стилистик машқ.
 -умумлаштирувчи сўзнинг ўрнини алмаштириш;
 -содда ёйиқ гапни қўшма гапга айлантириш;
 -қўчирма гапни ўзлаштирма гапга айлантириш;
 -баён ёки иншодаги тиниш белгиларини изоҳлаш.

144. Нутқ ўстириш методикаси.

Нутқ ўстириш

Нутқ ўстириш, биринчидан, она тили ўқитиш методикасининг соҳаси, иккинчидан, болалар (ўқувчилар)ни нутққа ўргатиш жараёнидир. Она тили дарсларида ҳам ўқитиш, ҳам ёздиришдир.

145. Ўқувчилар нутқини кузатиш.

Мактаб ўқитувчиларининг ҳаммаси ўқувчилар нутқини кузатади, аммо фақатгина она тили дарсларида нутқни ўстириш масаласи маълум тартибда мақсад сари йўналтирилган бўлади. Нутқ орқали инсоннинг ички дунёси очилади.

146. Нутқ ўстиришнинг асосий мақсади.

Она тили таълимининг мақсадидан келиб чиқиб, ўқувчилар нутқини ўстириш, уларга ўз халқининг адабий тилини ўргатишдир, яъни ўқувчиларни адабий тилда сўзлашга одатлантира боришдир. Нутқ ўстириш биринчи синфдан бошланиб, грамматиканинг ҳар бир бўлимида эътибор берилиши керак.

147. Нутқ ўстиришнинг асосий вазифаси.

Ўқувчиларнинг сўз бойлигини ошира бориш, адабий тил меъёрларини эгаллатиш, ўқувчи учун янги бўлган ҳар бир сўзнинг талаффузини, қўлланиш ўрнини ўргатиш, фикрни оғзаки ва ёзма ҳолда тингловчи (ўзга)га содда, ихчам, равон етказа олиш кўникмаларини ҳосил қилишдир.

148. Оғзаки ва ёзма нутқнинг ўзига хослиги.

- оғзаки нутқнинг имкониятлари кенгрок;
- инсон фикр баён қилишда интонация, пауза, қўл харакати, мимикалардан фойдаланади;
- оғзаки нутқдаги хатони тўғрилаш жуда қийин;
- оғзаки нутқнинг масъулияти катта.
- ёзма нутқ саводхонлик туфайли ҳосил бўлади;
- унда нотўғри ёзилган сўз ва ибораларни бошқаси билан алмаштириб тўғриласа бўлади.

149. Нутқда учрайдиган нуқсонлар:

-маҳаллий шева ёки оила таъсири;

-“кўча тили”нинг таъсири;

-адабий тил нормаларига амал қилмайдиган ўқитувчиларнинг нутқи;

-мактабда ўқувчиларнинг оғзаки нутқига етарли эътибор бермаслик;

-нутқ органларида ғайритабiiй нуқсонларнинг бўлиши.

150. Нутқни ўстириш ишларининг йўналишлари.

-адабий тил меъёрларини эгаллаш;

-ўқувчилар нутқини луғат бойлиги ва грамматик қурилиши билан бойита бориш;

-нутқ фаолиятининг турли хил кўринишларини ўргатиш.

151. Адабий тил меъёрларини эгаллаш

-адабий тил (талаффуз) меъёрлари нутқ ўстиришда асосий роль ўйнайди.

-адабий талаффуз қоидаларини орфоэпия белгилайди;

-адабий талаффуз меъёрларини белгилаб берадиган қоидалар тўплами орфоэпия дейилади;

-орфоэпик малакаларни эгалашда грамматик қоидаларнинг аҳамияти катта;

-орфоэпик қоидаларни эгаллашда китобнинг аҳамияти катта, лекин уларни фақатгина китоб орқали эгаллаб бўлмайди.

152. Адабий талаффуз меъёрларини эгаллаш йўллари.

-адабий тил меъёрларига амал қилиб сўзловчи кишиларга эргашиш;

-изчиллик билан тинмай ўрганиш ва онгли равишда ўзлаштириш орқали.

153. Ўқувчиларнинг “ўз тилидан” адабий тил меъёрларига ўтиш босқичлари.

-мактабда “ўз тили”дан “бошқачароқ” тилга дуч келади: ая-она, шўтга-шу ерда;

-ақта-секин адабий тилга доир фактларга дуч келади: 5-синфда фонетика, морфология, хат боши, синонимлар, омонимлар, антонимлар, нутқ органлари каби сўз ва атамаларни ўрганати;

-ўзлари билган фактларни янги ўрганганлари билан солиштира боради: жаранглиларнинг нутқда жарангсизлашуви, лекин ёзувда жарангли холида ёзилиши – б, д, з, - п, т, с;

-ўқувчи тушунчасида “ўз тили” билан адабий тил ўртасидаги қарама-қаршилиқда адабий норманинг афзаллиги шакллана боради.

154. Адабий тил меъёрларига машқлар:

-айтилиши билан ёзилиши фарқ қиладиган сўзлар кўп иштирок этган матн тузиб машқ қилдириш;

-орфоэпик қоидалар билан ишлаш;

-жарангли ундошларнинг талаффузда жарангсизлашуви ва жарангли ёзилишига мисоллар топдириш;

-морфемалар қўшилганда фонемаларнинг ўзгаришига машқлар бажартириш;

-диалектал фарқланувчи сўзларга мисоллар топдириб машқ қилдириш.

155. Сўзларнинг таркибини ўрганишда ўқувчиларга бериладиган топшириқлар.

- ғалла, тиз сўзларидан ўзакдош сўзлар яшаш;
- -зор, -ла қўшимчали сўзлар топиш;
- тер, терим, териш, теримчи, терилди сўзлари иштирокида оғзаки гаплар тузиш;
- от (исм), от (хайвон), от (феъл) сўзларидан ўзакдош сўзлар яшаш.

156. Ўқувчилар нутқини луғавий бирликлар билан бойитиш.

-ўзбек тили ўқитиш методикасининг асосий соҳаси;

-ўқувчилар нутқини ўстиришнинг йўналишларидан бири;

-мактаб она тили курсининг асосий вазифаларидан бири.

157. Ўқувчиларнинг луғат бойлигини ошириш зарурияти.

-сўз (лексема)ларнинг тилда мутлақ асосий роль ўйнаши;

-сўз бойлигини тинмасдан ошириш эҳтиёж эканлиги;

-ўқувчилар тушунмайдиган бирорта сўзнинг изоҳсиз қолмаслиги.

158. Луғат устида ишлашнинг асосий мақсади.

- ўқувчиларни она тилининг луғат бойлиги билан таништириш;
- луғат таркибидаги сўзлардан нутқда тўғри фойдаланишга ўргатиш;
- ўқувчиларни янги сўзлар билан таништира бориш;
- адабий меъёрга хос бўлмаган (шева) сўзларни тугата бориш.

159. Ўқувчиларнинг луғат устида ишлаши.

-таълим-тарбиявий таъсир кўрсатиб фикр доирасини кенгайтиради;

-ўқувчиларни янги сўзлар билан таништириб, луғат бойлигини оширади;

-она тили дарсларида грамматик, орфографик, пунктуацион қоидалар билан ишлашда ҳам луғат ишлари олиб борилади.

160. Ўқувчилар луғатини бойтиш манбалари:

-ўқитувчининг нутқи;

-бадий китоб ўқиш;

-ўқув предметларини англаш;

-катталар ва тенгқурлари билан мулоқотда бўлиш;

-экскурсияларда бўлиш (иштирок этиш).

161. Ўқувчилар луғатини бойитишнинг гуруҳлари.

-кўриш орқали қабул қилиш (китоб, журнал, газета ўқиш);

-эшитиш орқали қабул қилиш (ўқитувчи, тенгдошлари ва катталарнинг нутқи, радио эшитиш, телеэшитдириш);

-бир вақтнинг ўзида кўриш ва эшитиш орқали қабул қилиш (кинофилмлар, театр томошалари, музей, виставкаларни кўриш).

162. Луғатни бойитиш гуруҳларининг камчиликлари.

-янги сўзни кўриш орқали қабул қилганда уни ўз нутқида қўллаб бўлмайди, ўқиб кетаверади, улар иштирокида гап тузмайди;

-янги сўзни эшитиш орқали қабул қилганда кўриш ва қайта эшитиш имконияти бўлмайди (агарда касета ёки дискка ёзилган бўлмаса);

-учинчи гуруҳда ўқувчилар кўрганларини қайта кўриши ҳам мумкин, лекин уларни айта олмайди ҳам, ёза олмайди ҳам.

163. Боғланишли нутқни ўстириш йўналишлари.

Биринчи йўналиш

Ўқувчиларнинг сўз бойлигини ошириш:

- луғат устида ишлаш;
- машқ бажариш;
- нотаниш сўзларни луғатдан топиш.

Иккинчи йўналиш

Адабий тил меъёрларини ўрганиш:
-шевага хос сўзларни бартараф қилиш;
-яшаётган ҳудуддаги шева хусусиятларини аниқлаб иш кўриш.

Учинчи йўналиш.

Фикрларини оғзаки ва ёзма баён қилиш кўникмасини шакллантириш. Фикрни мантиқий изчиллик билан адабий тил меъёрларида баён қилиш боғланишли нутқ саналади.

164. Боғланишли нутқ бўйича кўникмалар қуйидагича бўлиши мумкин.

- иншо мавзусининг мундарижасини аниқлай олиш;
- фикрни мавзу талабига мослаб, аниқ, тўла баён қила олиш;
- иншо учун материал тўплай олиш;
- тўпланган материални системалаштириб, иншода қандай ўринлашишини аниқлаш;
- хар хил турдаги (ривоя, тасвир, муҳокама) иншолар ёзиш кўникмаси ҳосил қилиш;
- фикрни иложи борича адабий меъёр даражасида раён баён қила олиш.

